



ОБСУЖДЕНЫ
ВОПРОСЫ
РЕАЛИЗАЦИИ
ПРОЕКТА
«ЦИФРОВАЯ
ИНКЛЮЗИЯ В
УЗБЕКИСТАНЕ»
5-бет.



AMAZON
КОМПАНИЯСИ
ЙЎЛДОШЛИ
ИНТЕРНЕТНИ
ЙЎЛГА ҚЎЯДИ

6-бет.



ЖССТ:
РЎЗАНИ
ХУРМО БИЛАН
ОЧИШ ФОЙДАЛИ

8-бет.



ict.xabar.uz

Gazeta 1992-yil martdan chiqsa boshlagan

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOSSEN SEN,
AGAR OGOSSEN SEN, SHOSEN SEN.

14 (1540)-son
8-aprel
2022

@xabaruzofficial

@xabaruzofficial

facebook.com/xabar.uz/

Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

www.xabar.uz

БИТИРУВЧИЛАР БАНДЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номида-
ги Тошкент ахборот технологиялари
университети Самарқанд филиалида
битирувчи талабаларнинг бандлигини
таъминлашга қаратилган “Мехнат яр-
маркаси-2022” таддibi ўтказилди.

Таддирда Самарқанд вилоятида фао-
лията кўрсатадиган зога яқин АКТ соҳаси
корхоналари ўзларининг бўш иш ўринлари
билин катнаши.

– Ушбу таддир республикамизда кескин
ракоғатчилик ва иқтисодий глобаллашув
шароитида олий таълим тизимида тайёр-
ланётган кадрларнинг сифати, уларнинг
салоҳиятини ошириш каби масалаларни
ҳал килишда ҳам муҳим аҳамият касб эта-
ди, – дейдиги “Ўзбектелеком” АК Самарқанд
филиали директори Тўлқинжон Султонов.


– Бизнинг корхонамизга ишга келётган
ёшлилар, албатта, пухта билимга эга бўлмоғи
керак. Шу жиҳатдан бугун 15-20 нафар
талабани уч ойлик синон муддати билан
ишга қабул қилиб, кейинчалик улардан энг
лаёқатлиларини саралаб оламиз.



UZNETDAГИ САЙТЛАРНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

(Сайтлар сони ва улуши,
2022 йил апрел)

1. Тадбиркорлик – 3 350 (29,6 фоиз)
2. Кўнгилочар мавзуулар – 1 735 (15,3 фоиз)
3. Таълим – 1 469 (13,0 фоиз)
4. Янгиликлар ва ОАВ – 892 (7,9 фоиз)
5. IT-саноат – 699 (6,2 фоиз)
6. Уй-жой – 693 (6,1 фоиз)
7. Давлат органлари – 583 (5,2 фоиз)



Манба: www.uz

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВРО ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**2025 йилда дастурий маҳсулотлар экспорти
ҳажми 500 млн. АҚШ долларига етказилади**



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазирлиги, БМТ Тараққиёт дастури ва Жаҳон Банки билан ҳам-
корликда “Ўзбекистонда инклузив рақамлаштириш ва бизнес жараёнларида аут-
сорсинг (ВРО)” мавзусида ҳалқаро давра суҳбати бўлиб ўтди.

► 3

Тўйга тўёна

UNICON.UZга АККРЕДИТАЦИЯ ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ахборот технологиялари
ривожлантириш вазирлиги тизимидағи “UNICON.
UZ – фан-техника ва марке-
тинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси
ташкил этилганлигининг 30
йиллигини кенг нишонлаш
рафасида турибди.

Шундай шукуҳли кунларда
Ўзбекистон Республикасининг
мувофиқликни баҳолаш ор-
гандарини аккредитациядан
ўтказиш бўйича ягона вако-
латли органи – “Ўзбекистон
аккредитация маркази” ДУК
директори Ансаҳон Закиров
томонидан UNICON.UZning
Телекоммуникация техник
воситаларини сертификат-
лаштириш идораси ҳамда
Телекоммуникация техник
воситаларини сертификат-
лаштириш синон марказига



(тузилмада бешта синон лабо-
раториялари мавжуд) ISO/IEC
17011 ҳалқаро стандартларга,
шунингдек, Аккредитация
бўйича Осиё-Тинч океани
ҳамкорлиги (APAC), Лабора-
ториялар аккредитацияси

бўйича ҳалқаро ташкилот
(ILAC) ва Аккредитация бўй-
ича ҳалқаро форум (IAF) каби
ҳалқаро ташкилотларига аъзо
бўлиш бўйича янги аккреди-
тация гувоҳномалари тақдим
этildi.

► 7

2 ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИДАН – ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ САРИ



Жумадан
жумагача

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 марта куни макроқитисодий барқарорликни таъминлаш, бизнесни кўшимча қўллаб-кувватлаш масалалари юзасидан видеоселектор йигилиши ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев 1 апрел куни ёшлар ўргасида оммавий спортни ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича йигилиши ўтказди. Унда Спортни ривожлантириш вазирлигига маҳаллалардаги ёшлар етакчилари билан бирга йил давомида б 6 миллион нафар ўғил-кизни оммавий спорт тадбирлари камраб олиш вазифаси қўйилди. Маҳаллаларда спорт инфраструктурасини яхшилаш, лойиҳалар қўйматини мақбулаштириб, майдончалар ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 1 апрел куни Озарбайжон Республикаси Миллий Маъжлиси раиси Соҳиба Гафаровани қабул қилди. Учрашувда умумий тарихий илдизлар, ягона дин, муштарак тил, маданият, анъана ва қадриятлар мамлакатларимиз стратегик шериклигининг асоси бўлиб хизмат қилаётгани қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 апрел куни Коғозистон Республикаси Президенти Касим-Жомарт Тоқаев билан телефон орқали мулоқот қилди. Мулоқот давомида Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқиди. Ўзаро савдони кўпайтириш, саноат кооперацияси бўйича қўшма лойиҳаларни иллари суриш, маданий-гуманитар дастур доирасида фаол алмашинувларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилди.

5 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Покистон Ислом Республикаси Бош вазiri вазифasини бахарувчи Имрон Хон билан телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди. Унда жорий йил 3-4 марта кунлари Покистонга амалга оширилган олий даражадаги давлат таърифи якунида қабул қилинган қўшма "йўл ҳаритаси" ижроси-нинг бориши кўриб чиқиди. Минтақавий ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.


Президент Шавкат Мирзиёев 5 апрел куни ҳалқ таълими соҳасида амалга оширилаётган ишохотлар натижадорлигининг таҳдили юзасидан ви-деоселектор йигилиши ўтказиди. Унда ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилди. Мактабларда маънавий мухитни тубдан яхшилаш бўйича янги концепция ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Биз – бир оила, биз – бир жамоа!

ИНСОН ҚАДРИ, ҲАМЖИҲАТЛИК АНЪАНАЛАРИГА СОДИҚЛИК

АКТ вазирлиги томонидан ташкил этилган Наврӯз сайли катта байрамга айланди

"НАВРӮЗ – ЯНГИЛАНИШ, МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ҚАДР-ҚИММАТ АЙЁМИ!". УШБУ ШИОР ОСТИДА ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА НАВРӮЗ САЙЛИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.



Сайдада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, шунингдек, вазирлик тизимида ташкилот ва корхона вакиллари бир ерда жам бўлиб, бирдамлик, ҳамжиҳатлик анъаналарига содиқликни яна бир бор намёён этишиди.

Тантанали маросимни АКТ вазiri Шерзод Шерматов очди ва меҳнат фахрийлари, фидойи устозлар, талаба ҳамда соҳа ходимлари, меҳмонларни Наврӯз айёми билан табриклиди. "Биз – бир оила, биз – бир жамоа!" гояси остида амалга оширилаётган ишлар бардавом бўлишини, давлатимиз раҳбари томонидан соҳа олдига қўйилган вазифалар ижросини ёруғ юз билан таъминлашда барчага куч-куват, омад тилади.

Эътиборлиси, тантанага сабаб бўлган ушбу Наврӯз сайли бир нечта хайрли амалларга ҳам туртки бўлди. Вазирлик томо-

нидан "Инсон қадри" лойиҳаси доирасида ТАТУдаги имконияти чекланган талабалар билан учрашув ўтказилди ва уларга эсадлик совғалари топширилди.

Наврӯз "Xabar" газетаси таҳририяти учун кўшалоқ байрам. Газетанинг илк сони 1992 йилнинг 21 марта куни нашрдан чиқкан. Шу сабабли ҳам ушбу шодиёнада таҳририят ташкил этилганининг 30 йиллиги муносабати билан ижами жамоа фаолияти эътироф этилди.

Ташкил этилган сайлда АКТ вазирлиги тизимида ташкилот ва корхоналар томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ҳам ташкил этилган бўлиб, унда технологияга қизиқувчи ёшлар соҳада мавжуд вакант ўринлар юзасидан тегишли маълумотларга эга бўлдилар ва маъкул келган йўналиш бўйича ариза топширилдilar.

ТАТУ худудининг асосий қисми

турли вилоятлар кесимида ажратилган бўлиб, унда тегишли ташкилотлар айнан маълум бир вилоят урф-одат, қадриятларини намойиш этишиди.

Фолклор жамоаларининг чиқиши, ҳалқ ўйинлари, жумладан, дорబозлиқ, полвонлар томошаси, спорт мусобақаларининг ташкил этилиши байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади. Спорт мусобақалари голиблари турли номинацияларда тақдирланди.

Тадбир давомида йигилганлар учун катта дастурхон ёзилиб, байрам кайфияти карнай-сурнай наволари, саҳна кўринишлари ва санъаткорлар чиқишига уланди. Меҳнат фахрийларига алоҳида иззат-икром кўрсатилиб, совғалар улашилди.

Кўргазмали чиқишилари билан иштирок этган жамоалар турли номинация бўйича сертификат билан тақдирландилар.


ЎЗБЕКИСТОННИНГ ВРО ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

2025 йилда дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажми 500 млн. АҚШ долларига етказилади

Тадбирда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шерзод Шерматов, БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий вакили Матилда Димовска, Жаҳон Банкининг Ўзбекистондаги доимий вакили Марко Мантованелли, шунингдек, мамлакатимиз мутахассислари ва ҳалқаро эксперталр иштирок этиб, рақамли ривожлантишнинг буғунги ҳолати ва истиқболлари, баҳолаш усуллари ҳамда Ўзбекистонни рақамли ривожлантириш бўйича келгусидаги вазифалар ҳақида сўз юритдилар.

Тавъидлаш керакки, мамлакатимизда рақамли иш ўринларини яратиш, шу жумладан, ёшларнинг салоҳиятини ошириш бўйича ИТ ва бизнес жараёнлари аутсорсинги (ВРО), шунингдек, билим жараёнлари аутсорсинги (КРО) хизматларини кенгайтириш бўйича изил ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон хукумати ИТ-аутсорсинг салоҳиятини ёрқин намоён этган ҳолда, ахоли, айниқса, ёшларнинг рақамли кўникмаларини ошириш учун барча вилоят ва туманларда ВРОга ихтисослаштирилган таълим мусасасаларини ташкил этиб, ушбу имкониятларни кенгайтироқда.

Тадбир давомида Ўзбекистонда ВРО хизматларини ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, жумладан, бу жа-



раёнларга ёшларни кенг жалб этиш, аутсорсингта ихтиослашган компаниялар тажрибаси ҳақида маълумотлар берилди.

Маълумкни, давлат хизматларини барчага тезкор, самарали ва адолатли кўрсатиш учун электрон ҳукуматни ривожлантиришни кўллаб-қувватлаш, жамоатчилик ишончи ва шаффоғлигини мустаҳкамлаш, рақамли иктисодиётни ривожланиш жараёнида иштирок этиш ва ҳамкорлик қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ахборот-коммуникация технологиялари доимо ривожланиб, жамият, маданият ва иктисодиётни тубдан ўзгартирмоқда. “Дунё рақамли экотизимда техногиянинг жадал ривожланишига гувоҳ бўлмоқда, бунга ижтимоий тармоқлар, блокчейн, сунъий

интеллект, бизнес жараёнлари аутсорсинги (ВРО) ва билим жараёнлари аутсорсинги (КРО) мисол бўла олади”, – деди АҚТ вазири Шерзод Шерматов тадбирда.

Рақамли ривожланишнинг Ўзбекистон иктисадий ўсиши учун муҳим аҳамиятини ётироф этган ҳолда, Ҳукумат рақамли трансформацияни ўзининг биринчи стратегияни тартибига кўймоқда: “Raқамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини қабул қилиш ва 2022-2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясида рақамлаштиришга ётибор қартиш – шулар жумласидандир.

Хозирги кунда ташкил қилинган ВРО марказ тажрибаси асосида республиканинг барча ҳудудларида ҳам аутсорсинг (ВРО) марказларини ташкил қилиш мақсад қилиб

олинган ва жорий йилнинг биринчи чораги давомида республиканинг яна тўрт ҳудудида шу каби марказлар ташкил қилинди. Келтуси иккى йил давомида ҳудудларда юздан ортиқ ВРО марказлари очилиб, беш мингдан ортиқ юқори маошли ишчи ўрнлари яратилади. Натижада 400 минг АҚШ долларли миқдорида ИТ-хизматларни экспорт қилиш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, 2022-2023 йиллар давомида барча ҳудудларда ИТ-Парк филиаллари ташкил этилади. “Амалга оширилаётган комплекс чоралар дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 10 баробарга ошириб, 2025 йилда 500 млн. АҚШ долларига етказиш учун мустаҳкам замин яратилади”, – деде кўшимча қилди АҚТ вазири.

Учинчи ташаббус

ЎҚИТУВЧИЛАР ДАСТУРЛАШ БЎЙИЧА МАЛАКА ОШИРИШДИ



“Andijan digital city” технопаркинг IT-академиясида Андижон вилояти шаҳар ва туманлари умумтаълим мактабларидаги “Digital School” марказлари ва олий-гоҳлардаги Инкубация марказлари ўқитувчилари учун веб дастурлаш бўйича бир олий маракка ошириш курслари ташкил этилди.

Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясида вилоят миқёсисида замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, IT-таълимни

rivожлантириш, ахборот технологиялари соҳасида ёшларни касбга тайёрлаш ва йўналтириш тизимини амалга оширишни кўзда тутувчи ушбу ўкув курсларида тингловчиларга энг замонавий IT дастурлар, хусусан, “Foundation” (HTML, CSS, Python) ўкув дастурини ўрганиш ва улардан фойдаланиш имкониятлари яратилди.

Лойиҳанинг асосий мақсади тингловчиларни ахборот технологияларини бўйича билим ва малакала-

рини ошириш, олган билимларини ўзининг иш жойида татбиқ қилиш орқали ёшларни замонавий касбларга ўргатиш хисобланади. Ушбу амалиёт келгусида вилоят марказига этиб кела олмайдиган ўкувчи ва талабаларни дастурлашнинг бошланғич билимларини ўзлаштиришида кўл келади.

Маракка ошириш курслари якуннида тингловчилар дастур орқали яратган кичик лойиҳалари тақдимотини ўтказдилар ва уларга IT сертификатлар тақдим этилди.

Мехнат ярмаркаси


БИТИРУВЧИЛАР 1 БАНДЛИГИ ТАЪМИЛНАДИ



Шунингдек, тадбирда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Самарқанд филиали, вилоят Радиотелевизион узатиши маркази ва Электромагнит мослашув хизмати, “Ўзбектелеком” АҚнинг “ЎзМобайл” филиали вилоят ҳудудий боғламаси ҳамда Телекоммуникация транспорт тармоғи 4-боғламаси каби соҳа корхоналари ҳам ўз кўргазмалари билан иштирик эти.

Мехнат ярмаркаси ТАТУ Самарқанд филиали ва Самарқанд Ахборот технологиялари техникиумида таълим олёттан кейнги боғчи талабаларни ҳам катта таасусурот қолдириди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
“Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбари



ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР – КЕЛАЖАККА ЭЪТИБОР

Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши, кенг қамровли ислоҳотлар истиқболи ва ҳалқ фаровонлиги ёшлар таълим-тарбияси ва келажагига бериладиган эътибор даражасига чамбарчас боғлиқ. Шу маънода, мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

2022 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев “2022–2026 йилларга мўжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Тараққиёт стратегияси ва уни 2022 йилда амалга ошириш бўйича “йўлхаритаси”да мамлакатимизни ривожлантиришнинг 7та устувор йўналиши доирасида қарийб 100ta мақсадларга эриши назарда тутилган.

Бугунга қадар мамлакатимизда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш берасида мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган ва бу тизим замон талабларига ҳамоҳанг равишда такомилластириб борилмоқда. Хусусан, бугунгача Олий Мажлис томонидан ёшларга оид ҳодон зиёд қонун хужжатлари қабул қилинган бўлиб, зодан ортиқ ҳалқаро ҳуқуқни хуҗжатлар ратификация қилинган.

Ўз навбатида, Ўзбекистондаги барча ўзгаришларнинг негизи ҳисобланган таълим-тарбия тизимида ҳам туб ислоҳотлар олиб борилмоқда. Шу мақсадда мамлакатда Мактабгача таълим вазири-

ги ташкил этилди, мактаб таълим тизими тубдан ислоҳ қилиниб, 11 йиллик умумий ўрта таълим қайта жорий этилди. Вилоятлarda янги олий таълим муассасалари, илмий ва ижодий марказлар ташкил этилмоқда. Олий ўкув юртларига қабул квотлари сезиларли даражада кенгтайтирилди. Сирткни ва кечки олий таълим шаклари тикланди. Ҳозирги кунда республика бўйича 159ta олий таълим муассасалари, шу жумладан, зотa университет, 45ta институт, учта академия, 28ta филиал, бир консерватория, 28ta чет эл OTM филиаллари, 24 nodavlat олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай янги ташкил этилган OTMлардан бири – Мухаммад ал-Хоразмийномидаги Тошкент ахборот технологиялариуниверситетининг Нурафшон филиалидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 майдаги 288-карорига мувофиқ очилган ушбу филиалда айни дамда биринчи босқичда 212 нафар талаба, магистратурада эса 11 талаба таҳсил олмоқда.

Нурафшон филиалида талабаларнинг ҳар томонлами чукур билим олишлари, ғоявий соғлом

ва юксак маънавиятга эга бўлиб камол топишлари учун маънавий-маърифий ишлар самарали олиб бориляпти. Филиалдаги “Заковат” клуби билимдонлари жорий йилда Самарқанд шаҳрида ташкил этилган ТАТУ ва унинг филиаллари ўртасида ўтказилган “Заковат” интеллектуал ўйинида муносиб иштирок этилди. Талабаларнинг билимларни янада чукур ўзлаштиришлари учун информатика, математика, физика, инглиз тили фан тўғараклари ҳамда талаба-қизлар учун “Ораста қизлар” тўғараги фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, филиал профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўртасида “Директор кубоги” учун футбол, мини-футбол, шахмат-шашка, марафон югуриш, талаба қизлар ўртасида стол тениси, волейбол мусобакалари ўтказиб келинмоқда.

Талабалардан 190 нафари “Бир миллион дастурчи” лойиҳасида мудафакиятли иштирок этиб, сертификатларни кўлга киритишиди. Иктидорли талабалар IT-Марафон ва goboscontest.uz кўрик ташловларда фаол қатнашишмоқда. Full stack веб дастурчisi томонидан талабалар учун робототехника, киберхавфсизлик ва веб дастурлар бўйича маҳорат дарслари машгулотлари режа-графики асосида ташкил этилмоқда, жумладан, Бирлашган Араб Амирликларининг zir24 компанияси асосчиси, “Амазон”га ўз стартапини сотган биринчи ўзбекистонлик тадбиркор Музаф-

фар Карабаев билан очиқ мулоқот ўтказилди.

Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш мақсадида Филиалда “Китобхон талаба” танлови ҳамда “Китоб – зиё манбаи” шиори остида китоблар ярмаркаси ва шоир, ёзувчилар билан давра сұхbatлари мунтазам ўтказилмоқда. Фаол, ташаббускор волонтер талабаларимиз кредит-модул таътили мобайнида ўрта умумтаълим мактаблари, касб-хунар мактаблари, лицеи битириувчи ёшларини касбга йўналтириш мақсадида “Талаба – ёшларга” иякимоий лойиҳасини амалга ошириди. Волонтерлар ёшларга ўзларининг “Бир миллион дастурчи” лойиҳасидаги мудафакиятлари, мамлакатимизда ёшларга яратилётган кенг имкониятлар, IT мутахасислигининг аҳамияти, шунингдек, ТАТУ ва Нурафшон филиалида мавжуд таълим йўналишлари ҳақида маълумотлар беришиди.

Нурафшон филиалида Хотин-қизлар маслаҳат кенгаши ташкил этилган бўлиб, талаба-қизларни ҳаётга муносиб тайёрлаб бориши, уларни пазандачилик ва тиквучилик каби хунарларга ўргатиш ҳамда керакли ҳуқуқий, тибий, психологияк маслаҳатлар бериш борасида қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келишмоқда.

Ўзбекистон Ҳалқаро Ислом академияси билан ҳамкорликда “Ўзбекистонда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглики таъминлаш” мавзуусида, Тошкент вилояти Дин ишлари бўйича бошқарма бош мутахассиси (Қўмитанинг вилоят вакили) иштирокида “Жаҳолатта қарши маърифат”, “Дунёвий давлат ва маърифат”, вилоят ИИВБ мутахассислари иштирокида “Жиноятга жазо мукаррар” мавзуларидаги маънавий-маърифий давре сұхbatлари, тренинглар ташкил этилмоқда.

Муҳтасар айтганда, ТАТУ Нурафшон филиалида ёшларга оид давлат сиёсати аниқ мақсадларни кўзлаб босқичма-босқич, комплекс чора-тадбирларга асосланган ҳолда изчил давом эттирилмоқда. Зоро, ислоҳотларнинг тақдири, натижаси, биринчи навбатда, кадрлар савиасига, уларнинг давр ва тараққиёт талабларига нечоғли жавоб берга олишига боғлиқ.

Бобомурод БОБОЁРОВ,
ТАТУ Нурафшон филиали
директорининг ёшлар
масалалари, маънавий-
маърифий ишлар бўйича
биринчи ўринbosari

Сайёр қабул

АКТ МУТАСАДДИЛАРИ “ЎРИКЗОР” МАҲАЛЛАСИДА

Ахборот технологиялари вазирлигининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, “Ўзкомназорат” Тошкент шаҳар ҳудудий инспекцияси ҳамда вазирлиқ тизимида ги корхона ва ташкилот раҳбарлари билан биргаликда Учтепа тумани “Ўрикзор” маҳалласида сайёр қабул ўтказилди.

Маҳалла ҳудуди мобил алоқа қарорини яхшилаш, сифатли интернет хизматларини жорий этиш, поча хизматлари, телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш, фуқароларни қўйиёттан муаммоларни ҳал этиши мақсадлари кўзланган сайёр қабулда аҳолидан асосан юқори тезлиқдаги интернет хизматларини жорий этиш, мобил алоқа хизматлар сифатини яхшилаш каби мурожаатлар келиб тушди.

Мурожаатларнинг аксарияти жойида ижобий ҳал этилди, керакли тушунтиришлар берилди ҳамда вақт талаб қилидиган мурожаатлар юзасидан АКТ вазирлиги тизимида кирувчи корхона ва ташкилот раҳбарлари ҳамда мобил алоқа компанияларига тегишили топшириклар берилди.

Шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш бўйича ташкил этилган Ишонч телефонлари “1144” ва “1199” қисқа рақамларига кечао кундуз мурожаат этишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилди.



ОБСУЖДЕНЫ ВОПРОСЫ РЕАЛИЗАЦИИ ПРОЕКТА «ЦИФРОВАЯ ИНКЛЮЗИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ»

Министр по развитию информационных технологий и коммуникаций Шерзод Шерматов провел встречу с представителями Всемирного банка.

В ходе встречи были обсуждены вопросы реализации масштабного проекта «Цифровая инклюзия в Узбекистане» с участием Всемирного банка. В рамках проекта предполагается реализация мер по развитию цифровой экономики, электронного правительства, цифровой инфраструктуры, IT-образования.

Отдельное внимание было удалено такому важному направлению, как развитие ВРП и КРО-услуг. Как было отмечено, повышение занятости молодежи за счет их широкого привлечения в сферу ИКТ и создания высокооплачиваемых рабочих мест является одной из приоритетных задач в деятельности Министерства. С учетом этого, в рамках проекта «Цифровая инклюзия в Узбекистане» с участием Всемирного банка предусматривается создание и оснащение центров оказания дистанционных услуг (ВРП-центров).



ДЕТИ ЖИТЕЛЕЙ БОСТАНЛЫКСОГО РАЙОНА СМОГУТ РЕАЛИЗОВАТЬ СЕБЯ В СФЕРЕ ИТ

В Бостанлыкском районе Ташкентской области открылась специализированная ИТ-школа №2.

В отличие от общеобразовательных школ, в специализированных ИТ-школах внедрена программа обучения с уклоном на математику, английский язык и информатику. Кроме того, в ИТ-школах преподаются и мобильная робототехника.

С целью обеспечения школьников необходимыми комфортными условиями для обучения информационным технологиям, школа оснащена всей необходимой материально-технической базой и высокоскоростным интернетом. А высококвалифицированные преподаватели ИТ-Центр при ИТ-Park будут вести профессиональные кружки по программированию и робототехнике для школьников.

До конца учебного года запланировано открытие 85 специализированных ИТ-школ и доведение их общего количества в Узбекистане до 100 единиц.

БОЛЕЕ 100 СТАРТАП-ПРОЕКТОВ БЫЛИ ПРЕДСТАВЛЕНЫ НА ВЫСТАВКЕ В ИНДИИ

23-25 марта члены делегации резидентов ИТ-Парка и специалисты Центра управления проектами электронного правительства приняли участие в ежегодной выставке INDIASOFT (Индия).

В первый день выставки приняли участие 800 международных ИКТ компаний, в том числе ведущие организации Индии, представивших более 100 стартап-проектов, а также более 50 презентаций. В частности, состоялась презентация услуг в области технологий блокчейн, веб- и мобильных приложений, а также был проведен обмен результатами, достигнутыми в области разработки информационных систем.

Во второй день выставки, индийская сторона поделилась услугами и предложениями в области разработки программного обеспечения, финансовых ИТ-услуг, электронного оборота электронных подписей и документов, цифрового туризма, цифровой экономики, а также презентаций по вопросам государственных и общественных услуг.

В УЗБЕКИСТАНЕ НА ПЕРЕКРЕСТКАХ БУДЕТ ВНЕДРЕНА ЦИФРОВАЯ СИСТЕМА УПРАВЛЕНИЯ


Принято Постановление Президента «О мерах по надежному обеспечению безопасности человека и резкому снижению смертности на автомобильных дорогах». Согласно Постановлению, с 1 декабря 2022 года будет введена система начисления штрафных баллов водителям за нарушение правил дорожного движения.

Данная система предусматривает: за каждое нарушение ПДД начисляются отдельные штрафные баллы в течение 12 месяцев; в случаях, когда начисленные штрафные баллы превышают установленную сумму, водитель лишается права управления транспортным средством на

определенный срок в установленном порядке; водителям, не совершившим нарушения ПДД в течение определенного периода, применяются меры стимулирования путем уменьшения начисленных впоследствии штрафных баллов.

До конца 2023 года цифровая система управления будет внедрена на всех перекрестках столицы, а также на крупных основных оживленных перекрестках города Нукуса и областных центров, до конца 2024 года – на всех перекрестках города Нукуса и областных центров.

С 5 апреля 2022 года при Службе безопасности дорожного движения Министерства внутренних дел будет



создан Республиканский фонд «Безопасная дорога и безопасность пешехода» без образования юридического лица.

С 1 июля 2022 года во всех районах (городах) Республики будет действовать индекс «Безопасная дорога».

UZBEKISTAN
TO INTRODUCE A SERIES OF TAX RELIEFS AND PREFERENCES IN THE SECTORS
FROM APRIL 1

IT-PARK

КАКИЕ НОВЫЕ ЛЬГОТЫ ДЛЯ ОТРАСЛИ ИТ ВСТУПИЛИ В СИЛУ НАЧИНАЯ С 1 АПРЕЛЯ

С 1 апреля для отрасли информационных технологий начали действовать несколько новых льгот и преференций. Об этом пишет пресс-служба ИТ-Park.

Так, началась выдача анонсированных ранее специальных ИТ-виз. Они предоставляются по рекомендации ИТ-Park для специалистов и инвесторов в сфере ИТ, а также зарубежных учредителей компаний-резидентов технопарка.

Виза даёт право на свободный въезд в Узбекистан в течение 3 лет. Её обладатели имеют равный с гражданами доступ к социальным услугам, а также право на упрощённое получение вида на жительство.

Узнать подробности и подать заявку на ИТ-Visa можно на специальном сайте, запущенном в марте. Адрес – itvisa.uz.

Для резидентов ИТ-Park вводятся новые льготы – так, налог на дивиденды иностранных учредителей снижается с 10% до 5%. Также им разрешается выплачивать дивиденды и зарплаты зарубежных специалистов в иностранной валюте.

Кроме того, компаниям-резидентам не нужно получать подтверждение права пройти на работу иностранных специалистов. Для трудоустройства иностранец должен просто получить ПИНФЛ.

Отменяется требование наличия офисного помещения для резидентов ИТ-Park. Вместо этого они могут заключить договор на предоставление виртуального офиса, по цене от 300 000 сумов в месяц.

В услуги входит аренда юридического адреса, обработка корреспонденции, услуги колл-центра и т. д. Такие компании не будут отнесены в категорию налогоплательщиков с высоким уровнем налогового риска.

Для скорейшей адаптации ИТ-специалистов и членов их семей в Ташкенте ИТ-Park создал специальный путеводитель. В нём есть краткая информация о ключевых аспектах жизни в Ташкенте и о технопарке.



AMAZON КОМПАНИЯСИ ЙҮЛДОШЛИ ИНТЕРНЕТНИ ЙÜЛГА ҚҮЯДИ

Amazon.com Inc. компанияси йүлдөшли интернетни ривожлантириш лойиҳасига кўп миллиард долларли сармоя киритмоқда, деб хабар берди Financial Times.

Ушбу лойиҳа Илон Маскнинг Starlink лойиҳасига рақобатчи сифатида кўрилмоқда. Фазовий интернетни рўёбга чиқариш учун Arianespace, United Launch Alliance (ULA) ҳамда Amazon асосчиси Жефф Безоснинг ўзига қарашли Blue Origin аэрокосмик компанияяни билан шартнома тузилди. Лойиҳа яқин беш йил давомиди Ер куви орбитасига интернет-йүлдошларни олиб чиқиши учун жами 83 маротаба ракета-ташувчиларни учирини кўзда тулади.

Компания ўз йүлдөшли юқори тезликдаги интернетини оддий фойдаланувчилар, тадбиркорлар ва давлат идоралари учун тақдим этмоқчи.

Рақобатчи Starlink лойиҳаси шу пайттага 2 мингдан ортиқ йўл-


дошларини фазога олиб чиқиб, интернет хизматлари кўрсатишни бошлаб юборган.

ИЛОН МАСК — TWITTERНИНГ ЭНГ ЙИРИК АКЦИЯДОРИ

Tesla ва SpaceX компанияяла-ри хўжайини Илон Маск Twitter ижтимоий тармоғи қўмматбаҳо қоғозларининг 9,2 фойизини сотиб олди ва Bloomberg ёзишича, компаниянинг энг йирик акциядорига айланди.

Маскнинг харидидан сўнг Twitter қўмматбаҳо қоғозлари 4 апрелдаги премаркетда 25 фойизга — 2018 йилдаги даражагача қўмматлаб кетди. Хозир компаниянинг бир дона акцияси \$47,72 дан соитилмоқда.

АПРЕЛДА 15га ЯҚИН СМАРТФОН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ



Gizmochina ёзишича, апрел ойида жуда кўплаб брендлар ўз янги смартфонларини тақдим этади.

Samsung ўз мухлисларини бир йўла икки қурилмаси — Galaxy M33 5G ва Galaxy M53 5G билан мамнун этмоқчи. Булар бир туркумнинг икки нарх тоифасидаги смартфонлари.

Realme ҳам иккита смартфонни тақдим этади — Realme GT2 Pro ҳамда Realme Narzo 50A Prime.

Vivo нақ учта смартфони — Vivo T1 Pro, Vivo X Note ҳамда илк бувлама телефони Vivo X Foldни чиқариши куттиляти.

Xiaomi 12X 12 Pro ва Poco F4, Redmi 10 Prime+ 5G ларни сотовуга чиқарди.

2022 йилнинг апрел ойиди, шунингдек, Oppo F21 Pro туркуми анонси ўтказилди, OnePlus арzon смартфонлари (OnePlus Nord 2T ва OnePlus Nord CE 2 Lite), iQOO Neo6, Moto Edge 30 ҳамда Infinix Hot 12, Hot 12i, Hot 12 Play тақдимотлари режалаштирилган.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК САЙЁХЛИК ЭЛЕКТР КЕМАСИ ЙÜЛГА ЧИҚДИ

Электр моторли дунёдаги энг йирик сайдхлик кемаси — “Яңизи дарёсининг уч дараси-1” Хитой марказидаги Хубэй вилоятида биринчий рейсни алмала ошириди.

Электр кема Яңизи дарёси бўйлаб сайдхларни сайд килидиради. Кема ўз бортига бир йўла 1 300 нафарга йўловчи олиши мумкин, бир кувватланишида 100 километр масофани босиб ўтади.

Кема 7 500 киловатт-соатли аккумулятордан куч олади. Кемадаги

аккумуляторлар умумий сигими — юзта электромобилнига деярли тенг. Батарея электромобиллар учун аккумуляторлар ишлаб чиқарувчи Contemporary Amperex Technology компанияси томонидан ишлаб чиқарилган.

Кема қурилиши 2020 йилнинг охирида бошланган эди.

МОБИЛ ИЛОВА БРАЙЛ АЛИФБЕСИНИ ТАРЖИМА ҚИЛАДИ



Австралиялик дастурчи Аарон Стэфенсон iOS-илова тақдим этди. Илова смартфон камераси ёрдамида Брайл алифбеси шрифтларини оддий матн кўринишига келтиради. Хозирча илова фақат инглиз тилида ишлайди, кейинчалик бошқа тилларни ҳам кўллаша ўтади.

Стевенсоннинг Braille Scanner иловаси қўйидаги функцияларга эга: смартфон камераси ёрдамида шрифтни автоматик сканерлаш, Брайл шрифтларини оддий матнга айлантириш, шрифтларни “га-пиртириш”, Брайл шрифти ҳамда таржима қилинган файлни жўнашиб, рамзларни таҳрирлаш.

Халқаро ҳаёт

УКРАИНАДА 11 МИЛЛИОНДАН ОРТИК ОДАМ БОШПАНАСИДАН ЖУДО БЎЛДИ



Украинада уруш туфайли 11 миллиондан ортик одам ўз уйини тарқ этди, деб ҳисобот берди Халқаро миграция ташкилоти.

Ташкилот маълумотларига кўра, бошпанасидан жудо бўлган 7,1 миллиондан зиёд украиналик ўз мамлакати ҳудудида, кариб 4 миллион нафари эса бошқа давлатлар ҳудудларига ўтиб, қоцқинларга айланди.

Украина ақолисининг ички кўчиши март ойи ўрталаридан, яъни мазкур йўсундаги тадқиқот охирин мартобат ўтказилганидан бўён 10 фойизга ўстган. Бошпанасини тарқ этган оиласларнинг ярмидан кўпининг болалари ёки қариялари бор.

РОССИЯ МДҶ ЯГОНА ПЕНСИЯ МАКОНИ КЕЛИШУВИДАН ЧИҚАДИ

Rossiya 2023 йилнинг 1 январида МДҶ ягона пенсия макони келишувидан чиқади. РФ ҳукумати тегишили қонун лойиҳасини давлат думасига киритди.

Rossiya Пенсия жамғармаси шу йўл билан 2023–2025 йилларда 18 млрд. рубл иктиносидан кўрсанади.

Хабарга кўра, Келишув эскирган, Россия МДҶда пенсия таъминоти бўйича янги икки томонлама келишувлар тузмокчи. РФни эски Келишувда белгиланган пенсия тўлашнинг худудий принциплари қаноатлантirmaяпти, таъкидланишича, муҳожирларга пенсия тўлашда

Россия гарданига нотенг юк тушмоқда.

Хусусан, Россияга миграция ошиши натижасида Келишув шартларини бажариш харажатлари кўйайган: унга собиқ Иттифоқ даврида иш стажига эга бўлмаган ёки кам стажига ҳамда Россия иқтисодиёти равнакига хисса кўшмаган фуқаролар тушмоқда, дейилади ҳабарда.

Илгарига Келишув ўрнига Россия кўзда тутаётган икки томонлама келишувлар “пенсиялар экспорти”ни кўзда тулади: пенсионер ишлаган ҳар бир давлат ўша давлатда олинган иш стажига учун пенсия тулади.

Ҳабарда таъкидланишича, иккинчи — янги вариант Россия манфаатларини яхшироқ ифодалайди...

БҮЮК БРИТАНИЯ ЕТТИГА АЭС ҚУРАДИ

Бүюк Британия энергетика мустақиллиги-га эришиш учун 2050 йилга қадар оптита ёки эттига АЭС куришини режалаштириган. Бу ҳақда мамлакатнинг тадбиркорлик фоалиятни вазири Квази Квартенг The Telegraphга берган интервюисида маълум қилди.

Келаётган пайшабда куни муҳокама қилинадиган энергетика хавфсизлиги стратегияси ҳукуматга 2030 йилгача иккита янги йирик АЭС куришини кўллаб-куватлаш мажбуриятини юқлайди. Ҳукумат доираларида манбага кўра, шу ўн йиллик якунига бориб атом энергетикаси Британия энергетика тузилмасида кўриналири жойни эга лайди.

Great British Nuclear лойиҳасини амалга ошири юқори тезликдаги темир йўл қураётган HS2 Ltd каби давлат компаниясига топширилиши кутиялти.

ЕВРОПА МАМЛАКАТЛАРИ 100га ЯҚИН РУС ДИПЛОМАТИНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРДИ

Бугун Европанинг катор мамлакатлари россиялик дипломатларни ўз ҳудудидан чиқариб юборишини маълум қилди.

Италия — 30 нафар, Испания — 25, Дания — 15, Эстония — 14, Латвия — 13 нафар россиялик дипломатни чиқариб юборади.

Латвия мамлакатдаги иккита рус консулхонасини, Эстония эса Нарвада жойлашган Россия бош консулхонасини ҳамда Тартудаги элчихона канцеляриясини ёпишини ўзлонгилди.

ЛИВАН ДАВЛАТИ ВА МАРКАЗИЙ БАНКИ БАНКОРДИ ДЕБ ЗЬЛОН ҚИЛИНДИ



Ливан бош вазири ўринбосари Саад ал-Шамий “Ал-Жадид” телеканалида Ливан давлати мавмакат Марказий банки банкрот бўлганини ўзлонгилди. Таъкидланишича, ёнди давлат ўз молиявий мажбуриятларини бажара олмапти.

“Бу инқироз аллақачон содир бўлган. Биз молиявий институтлар ўртасида зарарни қандай бўлишиш ва фуқароларга етказилган зарарни қандай камайтириш ҳақида ўйлашибиз керак”, — деди у.

Ливан 2019 йилдан бери узок иқтисодий инқирозни бошдан кечирмоқда. Ливан фунти ўз кийматининг 90 фойиздан ортигини ўйқотди, аҳолининг 90 фойизи қашшоқлик чегарасидан паст даражада яшамоқда. Айниқса, Байрут портидаги портлаш мамлакат иқтисодиётига катта зарар етказди.

Ушбу портлаш оқибатида юзлаб кишилар ҳалок бўлган ва шаҳарнинг ярми вайронага айланганди.

ШУ КАСБДАН ҚАДР ТОПДИМ

Азамат Джуманқулов 1961 йили Шахрисабз шаҳрида таваллуд топган. Алоқачилик унга ота касб.

Мактабда Раъно Турсунова, Нина Валиева, Нарзулла Йўлдошев каби устозларидан аниқ фанларни кунт билан ўрганган қаҳрамонимиз 1979 йилда Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишига кирди. 1984 йили институттинг автомат электроалоқа мұхандиси йұналишини мұваффақиятты таомылагач, Шахрисабз туман алоқа узелиди электромонтёрликдан иш бошлади.

Иш фаолияти давомида Сагид Нигматуллин, Файбула Хўжакулов, Юрий Бураков, Азим Эшматов, Тоштемир Ҳамраевлардан иш ўрганиб, тажрибасини оширган Азамат ака кейинчалик Шухрат Раҳматов, Нўймон Бобоев, Мурод Эргашев, Сайёра Арзикулова, Зулфия Раҳматова, Абдусоат Ҳамидов, Олим Саломов каби ёшларга устозлик килган.

Азамат аканинг қизғин иш фаолияти мамлакатимиз мұстақиллікка эришиб, алоқа соҳаси туб бурилишларга юз тутган йилларга тўғри келди. Тумандада янги ишга туширилган технологик қурилмаларнинг фойдаланишга топширилишида фаол иштирок этди. Бу масъулияти вазифаларнан бекаму кўст бажаришда унга 1990 йили Беларус пойтахти Минск шаҳрида, 1996 йили эса Москва шаҳрида Германиянинг "Алкател" ўкув марказида тўрт ойлик тажриба-ўкув машғулотларida, малака ошириш курсларида қатнашгани жуда аскотди. Фидокорона меҳнатлари, алоқа ва ахборотларидан соҳасини ривожлантиришдаги хиссаси учун бир неча бор вилоят хоқимлигининг фахрий ёрлиқлари, соҳа корхоналари ташаккурномалари билан тақдирланган.

Айни замонда Азамат ака нафақада. Турмуш ўртоги Сайёра Арзикулова билан биргалиқда уч нафар фарзандни вояга етказишиди. Кизи Санобар ҳамшира, ўғли Анвар супола касбини



давом эттирипти – Шахрисабз телекоммуникациялар боғламаси фаол ходимларидан. Яна бир ўғли Азизжон эса мамлакатимиздаги хорижий таълим институтларининг бирида таҳсил олади.

– Бугунги ёшларга, айниқса, алоқа соҳасида меҳнат қўйлаётган издошлиримизга жуда ҳавас қўлман, – дейди фахрий алоқачи Азамат Джуманқулов. – Соҳада рўй берадиган катта ўзғаришларни, ҳамқасбларим эришаётган ютуқларни доим кузатиб бораман. Бизнинг авлод замонавий алоқа соҳаси тамал тошини кўйганди, бугунги ёшлар эса ёнг сўнгги русумдаги алоқа воситалари билан тиллаша оляти. Қолаверса, филиалимиз ҳамда боғламамиз раҳбариятидан, шогирдларимиздан миннатдормиз биз фахрийлар. Доим улар ёътиборидамиз. Байрамларда йўқлашади, эъзозлашади. Алоқачилик касбийн таъланганимдан, шу касб орқали обрў-эътибор топганимдан фахрланаман.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Xabar"ning Қашқадарё вилоятидаги муҳбири

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги маълум қилади

Ўзбекистон Республикасининг "Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида" Конуни 33-моддасига асоссан:

а) "SECURITY TECHNICAL SERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаштириш, куриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятга 2020 йил 5 марта берилган AA серия 0008049 рақамли;

"ROBITAI NAV" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2019 йил 17 июля берилган AA серия 0006954 рақамли;

"ZABAVA SERVIS" масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент

шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2021 йил 4 январда берилган AA серия 0008173 рақамли лицензиялар аризаларига мувофиқ топширилган сана 2022 йил 16 марта бекор қилинди;

б) "KOINOT TELEKOM" масъулияти чекланган жамиятинига бирлаштирилганлиги туфайли тадбиркорлик фаолияти тутатилган "FORTSTAR SERVICE" хусусий корхонасининг (Тошкент шаҳри) теледастурларни тарқатиш тармоқлари хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2020 йил 28 январда берилган AA серия 0008043 рақамли лицензиялар 2022 йил 28 марта бекор қилинди;

г) лицензия берганлик учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги муносабати билан;

тўламаганлиги муносабати билан:

"OLIMJON TELECOM" маъсуллияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятга 2019 йил 30 декабрда берилган AA серия 0007306 рақамли;

"MURPHONE" масъулияти чекланган жамиятиниг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятга 2020 йил 5 марта берилган AA серия 0008043 рақамли лицензиялар 2022 йил 28 марта бекор қилинди;

д) лицензия берганлик учун давлат божи тўлови белгиланган муддатда амалга оширилмаганлиги муносабати билан:

"BRIG COMMUNICATION" ма-



Тўйга тўёна



UNICON.UZга АККРЕДИТАЦИЯ ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Бу Ўзбекистон, хусусан, UNICON.UZning Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш идораси ҳамда Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синов марказига Евросиё иқтисодий иттифоқи давлатларига олиб кирилётган электротехник воситаларда сертификатлаштириш синов ишларни ўтказиб, ишлаб чиқарувчи хорижий компаниялар билан экспорт шартномаларини имзолашга кең имкониятлар яратади.

Таъкидлаш жоизки, UNICON.UZ томонидан APAC, PLAC ва IAF ҳалқаро ташкилотларига аъзо бўлиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳалқаро даражада синов ўтказиш бўйича янги талаблар ва синов методлари ўрганилиб, ушбу йўналишлар бўйича мөъёрий ҳужжатлар базаси таомиллаштирилди, янги зарур ўғчов синов воситалари (Климатическая камера: "Холод, Тепло, Влажность" модели EEXTN2000U, Шумомер, анализатор спектра: звук, инфразвук, виброметр однокоординатный модели АССИСТЕНТ SIU VI) харид килинди.

"UNICON.UZ" дўкнинг Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш идораси ҳамда Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш синов маркази ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини ривожлантириш бўйича илмий асосланган сиёсатни амалга ошириш, телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш соҳасида мөъёрий-хуқуқий базасини яратиш, стандартлаштириш, метрология, телекоммуникация тармоқларида ишлатиладиган асбоб-ускуналарни сертификатлаштириш, янги техника ва технологияларни жорий этишини кўллаб-куватлаш мақсадида ўз фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Жавлон ЭЛЧИЕВ,
"UNICON.UZ" дўк бўш менежери

Рамазон

САЛОМАТЛИКДА БАХТИЁР ЯШАМОҚЧИМИСИЗ?

Унда ўз шифокорингиз
маслаҳатларига риоя қилинг



Ҳамиша соғлом ва баҳтиёр умргузаронлик қилишни истаймиз. Аммо бунинг учун түрмуш тарзимиз қандай бўлиши керак, қандай овқатланиш фойдали-ю қандай овқатланиш зарарли? Бу ҳақда то бирор бир дардга чалинмагунча бош қотирмаймиз. Бирор аъзомизда оғриқ турсагина, турли шифокорларга-ю табибларга чопча-чоплар бошланниб кетади.

Бир шифокоринг даво муолажалари тугамай, қаерда бир таби чиқиби, деса етиб борамиз. Фалончи энди қирққа кирганди. Ўтиб қопти. Юраги заиф эканда, деган ноҳуш хабар тарқалсагина юракни ҳам эҳтиёт қилиш кераклигини ўйлаб қоламиз. Умуман, аччиқ бўлса ҳам ростини айтган маъқул. Соғлом түрмуш тарзига амал қилувчilar, шифокор тавсияларига риоя этувчilar, ўз оиласлови врачи борлар орамизда жуда кам. (Оиласлови терапевт-врачи, шахсий диетологлари бор академикларимиз ва фан докторларимиз орасида ҳам бармоқ билан санарли, десак заррача муболага қилмаган бўламиз).

Ананага кўра, 7 апрел – Бутунжоҳон саломатлик куни арафасида шифокорлар билан учрашув-мулод ташкил этдик. Мавънавий-тобий тадбир Ахмад Фарғоний номидаги вилоят аҳборот-кутубхона марказида бўлиб ўтди. Тадбирда Фарғона шаҳридаги ҳарбий хизматчиларга тиббий

ёрдам кўрсатиш бўлими гастроэнтерологи Музаффаржон Абдуллаев, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази Фарғона мингтақавий филиали директори вазифасини бажарувчи Убайдулла Абдуҳафизов, марказ бўлим бошлиги Икромjon Аҳматовнинг чиқишилари иштирокчилар – “Ўзбекtelekom” АК ҳамда “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиаллари ва АКМ ҳамда Марғилон шаҳар архиви мутахассисларида катта таассурот қолдириди. Қатнашчилар ўзларини кўпдан ўйлантириб келаётган сифатли овқатланиш аслида қандай бўлиши керак, дег сувнинг фойдаси, нима учун чой ичиш зарарли, юрак касалларидан ўрик, саримсоқлисида истемоли нафи нимада кўринади, седананинг шифобахш хусусиятлари, янги түгилган чақалоқда ҳам юрак томимири степози-торайишлари учрайдими, югуриш, пиёда юриш, врач буюрган жисмоний машқларнинг нафи нимада, ўт пуфаги олин-

ганларда таомланиш, нима учун баззи дорилар буорилганда қонда гаммаглобулин миқдорини аниқлаш даркор каби кўплаб саволларга жавоб олдилар. Айниқса, кардиология мингтақавий филиал фаолиятининг йўлга кўйиллаётганини, шаҳар ва туманларда хавф гуруҳлари электрон базалари яратилиб, бирламчи соғлиқни сақлаш тизимига, яъни аҳолига яқинлаштирилаётган борасида жиддий ишлар бошланганига аниқ мисоллар келтирилган диққатга сазовор бўлди.

Хафиза САЛЯХОВА,
“Xabar”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

ЖССТ: Рўзани хурмо билан очиш фойдали

Ифторлик пайтида соғлом ва меъерида овқатлашиб, кувватни тўйдириб олиш мухим. Рўзани учта хурмо ёки сув билан очиш ифторликни бошланганинг анъанавий ва соғлом йўлидир. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Рамазон ойидаги соғлом овқатланиш бўйича ўзлон қилинган тавсияларда айтилган.

Таъкидланишича, хурмо одам танасидаги кўплаб аъзоларнинг тўғри фолият кўрсатишини таъминлайдиган клетчатка бой озуқа.

АҚШдаги Cornell University мутахассисларининг ёзишича, овқатланишдан олдин сув ичиш танани суюқлик билан озиқлантиришнинг энг яхши йўлидир. “Лекин рўзани очиб оғирданга кўп сув ичиб юбормаслик лозим. Бу саломатлик учун хавфли хи-собланган сув интоксикацияси олиб келиши мумкин”, дейилган хабарда.

Кайд этилишича, организмни мухим витаминлар ва озуқа моддалари билан таъминлаш учун ифторлик таомномасига кўплаб сабзавотларни кўшинг афзал. Шунингдек, организмни кувват ва клетчатка билан таъминлайдиган донли (янчилмаган ва тозаланмаган) маҳсулотларни истеъмол қилиш мақсадга мувофиқ.

Печда ёки грилда пиширилган ёғсиз гўшт, терисиз товуқ ва балиқ тановул қилиш орқали организмни соғлом оксиллар билан бойитиш мумкинлиги ҳам айтилган. “Умуман олганда, ёғ ва шакарга бой, ковурилган ҳамда қайта ишланган маҳсулотлардан тайилиш керак. Ифторликдан сунг кўп ширинлик ейиш тавсия этилмайди. Бунинг ўрнига, сувга бой мавсумий мевалар, жумладан, олма истеъмол қилиш фойдали”, дейилган хабарда.

Ифторлик учун ЖССТ тавсиялари:

- ўйда пиширилган сабзавотли шўрва;
- сабзавот ва кўкатлардан тайёрланган салат;
- қўйма кўшилган сабзавотли таомлар (қовок, бақлажон, ток барғига ўралган дўлма);
- печда пиширилган товуқ.

Кайд этилишича, кўп миқдорда сув ичиш, таъмин яхшилаш учун таомга лимон бўлаклари ва ялпиз кўшиши мумкин.

Ибрат

Рўзадормисиз?!

Бир неча йигит Рамазон ойидаги бир отахоннинг одамлар кўзидан пана жойда таом ейттанини кўриб қолишибди:

– Ие, Отахон! Сиз рўзадор эмасмисиз?!

Отахон: – Албаттар рўзадорман. Фақат сув ичиб, таом еяман холос.

Йигитлар қаҳ-қаҳ кулиб юборишибди:

– Ростданми отахон, қандай қилиб?!

Отахон деди:

• Кимсанг ёмон назар ташламайман;

• Бирорни мазах қулмайман;

• Инсонларни гийбат қулмайман;

• Хеч кимнинг кўнглига озор етказмайман;

• Одамлар билан қўпол муомала қилмайман;

• Бирорнинг молига кўз олайтирмайман.

• Лекин... минг афсуски ёшим улуг,

шу билан бирга касалим ҳам бор... Ошқозоним касал. Шунга мемдамни рўзадор килолмайман.

Сўнгра отахон йигитлардан сўради:

– Сизлар ҳам рўзадормисизлар, болаларим?!?

Йигитлардан бири хижолатдан бошини этиб, охиста овозда жавоб қайтарди:

– Йўқ! Биз фақат овқат емаяпмиз холос...

Xabar

MUASSIS:

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
AXBOROT TEKNOLOGIYALARI
VA KOMMUNIKATSIYALARINI
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI

Bosh muharrir:
Abdug'ani ABDURAHMONOV

Tahrir Hay'ati:
Sherzod SHERMATOV (Hay'at raisi), Nazirjon HASANOV,
Kommuna IRISBEKOVA, Alisher FAYZULLAYEV,
Lutfullo TURSUNOV (Bosh muharrir o'rinnbosari),
Usmonjon YO'LDSHEV (Mas'ul kotib).

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi.
Muallifning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda "Xabar" dan oliniganligi ko'satsatilishi shart

Gazeta sahifalarini tayyorlashda internet materiallariidan ham foydalanildi.
Bahosi kelishilgan narxida.

MANZILIMIZ:

100000 Toshkent shahri,
Amir Temur 1-tor ko'chasi, 2-uy
(Mo'ljal Oloy bozori).
Telefonlar: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Faks: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Obuna indeksi — 228.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.

Dizayner: Asliddin BO'RIYEV.

Navbatchi: Usmonjon YO'LDSHEV.



ISSN 2010-6424

Bosishga topshirildi — 17 °°
Bosishga topshirish vaqtisi — 24 °°

Viloyat
muxbirlari:

Andijonda
(74) 226-47-80

Gazeta
haftaning
juma kuni
chiqadi

Namanganda
(91) 353-71-25

Navoiyda
(79) 225-91-10

Nukusda
(554-35-45)

Samarqandda
(91) 557-84-44

Termizda

(99) 508-30-52

Toshkenda
(234-18-59)

Urganchda
(97) 211-65-05

Farg'onada
(73) 244-18-05

Qarshida
(93) 931-08-99